

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ
ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**

Аликулова Азиза Нурхаётовна

*Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари
университети ўқитувчиси, Тошкент Ўзбекистон.*

Email:alikulova_a@mail.ru ORCID:0000-0001-8149-9875

Аннотатсия: Ушбу мақолада тижорат банклари даромадларининг шаклланиш механизмлари ва уларнинг замонавий иқтисодий шароитлардаги трансформация жараёнлари чуқур таҳлил қилинади. Аввало, банк даромадларининг анъанавий манбалари — фоизли ва нофоизли тушумлар, инвестицион фаолиятдан келадиган фойда ҳамда хизматлар кўрсатишидан олинadиган даромадлар таҳлилий жиҳатдан ўрганилган. Ҳозирги иқтисодий ислохотлар шароитида банklar бизнес-моделларидаги ўзгаришлар, рақамли банкчилик ва финтех технологияларининг даромадлар тузилмасига таъсири алоҳида ёритилган.

Мақолада илмий-амалий ёндашув асосида Ўзбекистон тижорат банклари мисолида реал статистик маълумотлар таҳлили олиб борилган. Даромадларнинг таркибий тузилмаси, уларнинг ўсиш динамикаси, даромад манбаларидаги диверсификация даражаси ҳамда молиявий барқарорликка таъсир этувчи омиллар ўрганилган. Шунингдек, халқаро тажриба ва меъёрий жиҳатлар таҳлил қилиниб, миллий банк тизимидаги муаммолар ва истиқболли ечимлар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: молиявий натижа, кредит портфели, тижорат банклари, банк активлари, диверсификация, банк даромадлари, банк харажатлари, молиялаштириш

**ANALYSIS OF THE CURRENT STATE OF INCOME FORMATION OF
COMMERCIAL BANKS**

Alikulova Aziza Nurkhayotovna

*independent researcher of Tashkent University of Information Technology named after
Muhammad al-Khwarazmi, Tashkent, Uzbekistan Email:alikulova_a@mail.ru*

ORCID:0000-0001-8149-9875

Abstract: This article deeply analyzes the mechanisms of commercial banks' income formation and their transformation processes in modern economic conditions. First of all, the traditional sources of bank income - interest and non-interest income, profit from investment activity and income from providing services - were analytically studied. In the context of current economic reforms, changes in the business models of banks, the impact of digital banking and fintech technologies on the revenue structure are highlighted.

The article analyzes real statistical data on the example of commercial banks of Uzbekistan based on a scientific-practical approach. The structural structure of income, the dynamics of their growth, the level of diversification of income sources, and factors affecting financial stability are studied. International experience and regulatory aspects are also analyzed, and proposals and recommendations are developed on problems and promising solutions in the national banking system.

Key words: financial result, loan portfolio, commercial banks, bank assets, diversification, bank income, bank expenses, financing

Кириш

Жаҳонда банкларнинг активлари самарадорлиги ва сифатига баҳо беришда қатор мезонлар жорий этилган, шу билан бирга тижорат банкларида активлар ҳамда капитал рентабеллигини ошириш, стресс-тестлаш, активлар билан боғлиқ рискларни камайтиришга қаратилган илмий изланишларга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тижорат банклари активлари сифатини яхшилаш, даромадлилик даражасини ошириш, кредит портфелини диверсификациялаш каби масалалар бўйича ижобий натижаларга эришилган. Лекин, замонавий шароитда тижорат банклари активлар самарадорлигини ошириш бўйича ўзига хос хусусиятлари етарли даражада тадқиқ этилмаган, буларнинг барчаси тижорат банкларида молиявий инструментлар ва кутилмаган рискларнинг таъсири билан боғлиқ масалалар юзасидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишларини амалга оширишни талаб этади.

Ўзбекистонда банк активлари етарли даражада диверсификация қилинмаганлиги, кредитларнинг фоиз ставкалари шаклланишида бозор механизмларини етарли тадбиқ этилмаслиги, узоқ муддатли рискли активлар ва жалб қилинган молиявий ресурслар ўртасида муддатларининг номонандлиги, муаммоли активларни таснифлашда ва эҳтимоллий йўқотишлар учун захираларни ажратишда шаффофликни бузилиши каби ҳолатлар банк активлари самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш» каби долзарб вазифалар белгилаб қўйилган бўлиб, улар юзасидан илмий тадқиқотларни амалга оширишни талаб этмоқда.

Материал ва метод

Банк даромадлари ва харажатлари, шунингдек, уларнинг ташкил топиш манбалари ва уларни ҳисобга олиш бўйича изланишлар олиб борган хорижий олимлардан, шунингдек МДХ давлатлари иқтисодчи олимларидан Л.Батракова,

Г.Белоглазова, Ю.Вешкин, О.Ефимова, Е.Козлова, Г.Коробова, О.Лаврушина, Д.Мак Нотон, И.Пещанская, Я.Соколов, Ф.Стивен, А.Шереметларнинг ишларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Шунингдек, тижорат банклари даромадлари ва харажатлари ҳисоби масалалари мавзуси бўйича ўзбек иқтисодчи олимлари ва

амалиётчиларидан Ф.Абдувахидов, Ё.Абдуллаев, Т.Қоралиев, А.Вахабов, К.Джураев, А.Ибрагимов, Ё.Маҳмудалиева, И.Муругова, К.Наврузова, С.Норқобилов, У.Ортиков, Н.Ризаев, З.А.Умаровларнинг илмий тажқикот ва китобларида чуқур ёндашув асосида ёритилган.

Таҳлил ва натижалар

Тижорат банкларининг молиявий натижаларини таҳлил қилишда уларнинг даромадлари ҳажми ва сифатини ўрганиш марказий ўринни эгаллайди, чунки улар ўз навбатида кредит ташкилотлари учун фойдани шакллантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Даромаднинг камайиши, қоида тариқасида, банкнинг муқаррар молиявий қийинчиликларининг обектив кўрсаткичидир. Айнан мана шу ҳолатлар банк фаолиятининг молиявий натижаларини ўрганишда жами даромадлар таҳлилининг аҳамиятини белгилайди.

Банк даромадларини таҳлил қилишнинг устувор йўналишлари қаторига қуйидагилар киради: даромадлар ҳажми ва таркибини аниқлаш ҳамда баҳолаш, даромад таркибий қисмларининг динамикасини ўрганиш, энг катта даромад келтирадиган фаолият соҳалари ва операциялар турларини аниқлаш, даромад даражасини баҳолаш, даромадларнинг умумий миқдорига таъсир этувчи омилларни, шунингдек, айрим турдаги операциялардан олинган даромадларни белгилаш, даромадларни ошириш учун захираларни аниқлаш.

Банкларнинг молиявий кўрсаткичлари даромадлар ва харажатларни ўзида ифода этган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот орқали аниқланади ва шунингдек натижалар тушунтирилади. Банк молиявий ҳолатини акс эттирувчи ҳисобот ҳам айнан мос даврлар учун тақдим этиб бориладиган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ҳисобланади.

Тижорат банклари активларининг мамлакат ЯИМдаги улушига эътибор қаратадиган бўлсак, 2017-2021 йиллар мобайнида ушбу кўрсаткич мунтазам равишда ўсиб бориш тенденцияси деярли кузатилмаган. Бу натижага ҳукумат томонидан олиб борилаётган туб ислохотлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қатор Фармон ва Қарорлар мамлакатимизда банклар томонидан реал секторни молиявий қўллаб-қувватлашдаги ролини янада ошишига замин яратмоқда.

Банк активларининг диверсификациясини мамлакатимизда фаолият юритаётган АТ “Алоқабанк” мисолида таҳлили қуйидагича:

1- жадвал

АТ “Алоқабанк” нинг активлари диверсификацияси таҳлили, млрд.сўм

Т/р	Кўрсаткичлар		2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
1.	Жами активлар	суммаси	2 792	5 846	7 341	8 108	12 638
		улуши	100%	100%	100%	100%	100%
	шундан						
	Нақд пуллар ва вакиллик	суммаси	988	946	1 134	1 074	2 415

1.1	хисобварақларидаги маблағлар	улуши	35,4%	16,2%	15,4%	13,2%	19,1%
2.	Қимматли қоғозларга инвестициялар	суммаси	10	24	89	411	509
		улуши	0,4%	0,4%	1,2%	5,1%	4,0%
3.	Кредит ва лизинг операциялари суммаси	суммаси	1 627	4 739	5 593	5 697	7 653
		улуши	58,3%	81,1%	76,2%	70,3%	60,6%
4.	Ҳисобланган лекин ундирилмаган фоизлар	суммаси	3	10	63	133	198
		улуши	0,1%	0,2%	0,9%	1,6%	1,6%
5.	Молиявий инструментлар бўйича азаларнинг мажбуриятлари	суммаси	0	0	0	9	533
		улуши	0,0%	0,0%	0,0%	0,1%	4,2%
6.	Асосий воситалар	суммаси	63	83	184	462	812
		улуши	2,3%	1,4%	2,5%	5,7%	6,4%
7.	Кредит ва лизингларни олиш учун олинган ва бошқа мулклар	суммаси	0	0	17	34	52
		улуши	0,0%	0,0%	0,2%	0,4%	0,4%
8.	Бошқа активлар	суммаси	101	44	261	288	466
		улуши	3,6%	0,8%	3,6%	3,6%	3,7%

1-жадвални таҳлил қиладиган бўлсак, АТ “Алоқабанк” активларининг асосий қисмини юқори рискка ва юқори даромад олиш манбаига эга кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келмоқда. 2019-йил якунлари бўйича жами активларни таркибида кредит қўйилмалари 58,3% ни ташкил қилган бўлса, 2020- йилда 81,1% га етиб, рискли активлар салмоғининг кескин ошишига сабаб бўлган. 2021-йилда 76,2% га, 2020-йилда 70,3% га ва 2022-йилда 60,6% га (нормал ҳолатга) тушган.

Кредит ва лизинглар учун ҳисобланган лекин ундирилмаган фоизлар улуши 16 мартага, асосий воситалар улуши 2,5 баробарга ошганлигини кўриш мумкин. Нақд пуллари ва вакиллик ҳисобварақларидаги пул маблағларининг жами активлардаги улуши 35,4% дан 19,1% га тушган. Бунинг асосий сабабларидан банк активларининг таркибида ҳисобланган лекин ундирилмаган фоизларни кўпайиши, банк балансидаги асосий воситаларни ошиши, молиявий инструментлар бўйича мажбуриятларнинг юзага келиши каби омиллар сабаб

бўлган.

Қуйидаги 2-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, АТ “Алоқабанк”нинг активларини қайтариш муддатларига қараб диверсификациясида 2020-йилни ҳисобга олмаган ҳолда деярли ўзгариш бўлмаган. 2020-йилда 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштирилган активлар салмоғи кескин ошиб келган, буни ҳисобига талаб қилиб олингунча активлар 3 баробарга камайган. Албатта банкнинг ликвидлилик ҳолати пасайишига олиб келган. Таҳлил қилган даврларнинг қолган

йилларида “Асакабанк” ўзига хос бўлган тактика бўйича активларни муддатлари бўйича диверсификациясини амалага оширган.

2-жадвал АТ “Алоқабанк” нинг активларини қайтариш муддатлари бўйича таҳлили,

млрд.сўм.

Г/р	Кўрсаткичлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
I.	Жами активлар суммаси	2 792	5 846	7 341	8 108	12 638
	шундан					
I.1	Талаб қилиб олингунча, суммаси	943	583	1 249	1 332	3 258
	сиз активлар					
	улуши	34%	12%	17%	16%	26%
I.2	1-30 кунгача қайтадиган суммаси	162	310	226	285	273
	ар					
	улуши	6%	5%	3%	4%	2%
I.3	31-180 кунгача қайтадиган суммаси	273	939	1 024	1 269	1 807
	ар					
	улуши	10%	16%	14%	16%	14%
I.4	181-365 кунгача қайтадиган суммаси	338	501	979	1 251	1 724
	ар					
	улуши	12%	9%	13%	15%	14%
I.5	365 кундан кейин суммаси	1 076	3 413	3 863	3 971	5 576
	диган активлар					
	улуши	39%	58%	53%	49%	44%

Юқоридаги 2-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, АТ “Алоқабанк” нинг активларини қайтариш мақсадларига қараб диверсификациясини кўрадиган бўлсак, 2020, 2021 ва 2022-йилларда 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштирилган активлар салмоғида кескин ўзгариш бўлган. Бу асосан талаб қилиб олингунча бўлган маблағларни 1 йилдан ортиқ муддатга ажратилган кредитларга йўналтириш ҳисобига юзага келган. Бундай ҳолат банкнинг арзон ресурс ҳисобига юқори даромад олиш имкони бериш билан бир қаторда, банкнинг ликвидлилик ва тўловга қобилиятлилик кўрсаткичларини ошиб кетишига ҳамда юқори riskли активларни кўпайишига сабаб бўлган.

Қуйидаги 2.3-жадвалдани таҳлил қиладиган бўлсак, АТ “Алоқабанк” мажбуриятлари таркибидаги кескин ўзгариш бўлганлигини кўришимиз мумкин. Яъни, жами мажбуриятлар таркибида талаб қилиб олингунча депозитлар улуши 2019-йилда 55% ни ташкил қилган бўлса, 2020-йилдан бошлаб 2,5 баробарга камайиб, 22% ни, 2021-йилда 19% ни ташкил қилган. Муддатли депозитлар улуши беш йил давомида 26% дан 43% га етган. Марказий банк ва бошқа банклардан жалб қилинган депозитлар улуши деярли ўзгаришсиз қолган. Шу билан бирга, олинган кредит ва лизингларнинг улуши 5% дан 21% га етган. Репо битимлари асосида сотилган қимматли қоғозлар бўйича мажбуриятлар юзага келиб, 2022-йилда 4% улушга эга

бўлган. Бундан кўриниб турибдики, АТ “Алоқабанк” ресурс жалб қилиш бўйича кенг қўламли ишларни олиб бродган. Қимматли қоғозлар бўйича янги битимларни тузган, жалб қилинган кредит линияларини кўпайтирган, муддатли депозитларни жалб қилиш орқали ресурсга бўлган талабни таъминлаган.

АТ “Алоқабанк” фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари:

- хорижий кредит линиялари, халқаро капитал бозоридаги ресурслар, хорижий инвесторлар маблағларини жалб қилиш орқали иқтисодиётнинг устувор секторларида йирик инвестицион лойиҳаларни фаол равишда кредитлаш;

- хизмат кўрсатиш сифати ва тезкорлигини ошириш учун инновацион молиявий маҳсулотларни жорий этиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк хизматларини, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият масалаларида молиявий маслаҳатлар бериш ва ахборот кўмагини кўрсатиш;

- аҳолига чакана банк хизматлари кўрсатишни ривожлантириш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда банк хизматларининг янги турларини жорий этиш;

- биринчи навбатда миллий валутадаги узок муддатли маблағларни сафарбар қилиш ҳисобига банк фаолиятини молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш;

- савдо-экспорт молиялаштириш бизнеси маҳсулотларини ривожлантириш ва унинг географиясини кенгайтириш, шунингдек, республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини қўллаб- қувватлаш, экспорт қилувчиларга консалтинг хизматларини тақдим этиш;

корпоратив мижозларга инвестицион банкинг, жумладан ички ва ташқи бозорларда қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш хизматларини кўрсатиш.

Хулоса

Банк фаолияти сифатини ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш учун даромадлилик кўрсаткичларини таҳлил қилиш муҳимдир ва уларнинг хусусияти даромад ва харажатларга боғлиқ. Банк фаолиятини таҳлил қилиш акциядорлар, кредиторлар, мижозлар, шунингдек, банк кенгаши, раҳбарлари ва ходимлари учун фойдалидир.

2021 – 2023-йиллар даромадлилик кўрсаткичларини таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки, 2021 йилда бу кўрсаткичлар норматив даражасида бўлган, лекин 2022 йилга келиб камайиш кузатилган. Шу билан бир қаторда, банкларнинг кредит портфелидаги муаммоли кредитларнинг улуши ортиб кетганлидир. Марказий банкнинг маълумотига кўра 2022 йил 01-январ ҳолатига тижорат банкларининг муаммоли кредитларнинг (НПЛ) жами кредитлардаги улуши 5,2% ни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2020-йилнинг мос даврига нисбатан 148% га ўсиб, деярли 2,5 баробарга ортган. Бу эса ўз навбатида соф фойданинг камайишига, даромадлилик кўрсаткичларининг пасайишига ва инвестиция оқимини камайишига олиб келади. Шунинг учун кредитлар банкларнинг асосий даромад манбаи бўлиб қолмаслиги

керак. Хулоса қилиб айтганда тижорат банкларининг даромад ва харажатларини самарали бошқариш ва мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш банкнинг даромадлилиқ кўрсаткичларини норматив даражасида ушлаб туриш ва рентабеллик даражасини ошириб бориш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. <https://aloqabank.uz>
2. Алимардонов И.М., Шомуродов Р.Т., Мажидов Ж.К. “Тижорат банклари актив ва пасивларини бошқариш”. Дарслик. –Т.: “Нихол принт” ОК, 2021.
3. З.А.Холмахмадов, М.Э.Эгамова, Х.А.Худаярова. “Международное банковское дело”. Учебное пособие. –Т.: СП “Нихол принт”, 2021.
4. Омонов А.А., Холмаматов Ф.К. “Банк иши”. Ўқув қўлланма. –Т.: “Нихол принт” ОК, 2021.
5. У.А.Ғаниева, Г.Я.Бабаева, З.З.Худайберганова. “Банковский учет, анализ и аудит”. Учебное пособие. –Т.: СП “Нихол принт”, 2021.
6. Э.Т.Кадиров, Г.Я.Бабаева. “Методология банковского аудита”. Учебник. –Т.: СП “Нихол принт”, 2021.
7. З.А.Умаров. “Банкларда бухгалтерия ҳисоби”. Дарслик. –Т.: “Нихол принт” ОК, 2021.
8. Ш.Абдуллаева, М.Юлдашев. “Банк ҳукуки”. Дарслик. –Т.: “Нихол принт” ОК, 2021.